O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2004 йил 27 ноябрь, № 246 (3521) Шанба


# СИРДАРЁНИНГ САЛОҲИЯТИ ВА ШУҲРАТИНИ МАРД, ОРИЯТЛИ ИНСОНЛАР ТИКЛАЙДИ





## СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

***26 ноябрь куни халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.***

***Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.***

Давлатимиз раҳбари барча минтақа ва ҳудудларимиз қатори Сирдарё вилояти ҳам иқтисодий-ижтимоий ҳаётда янги марралар сари интилаётганини таъкидлади. Тўққиз ойлик якунларига кўра, вилоятда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 112 фоиз, саноат маҳсулотлари ҳажми эса 116 фоиз ўсди. Хорижлик ҳамкорлар иштирокида барпо этилган саноат корхоналари, жумладан, йилига 7,5 миллион дона трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган "Лола-модуль", лойиҳа қиймати 15 миллион еврога тенг "Сайхун-медтекс", қарийб 500 минг долларлик сармоя киритилган "Сардоба-давр ЛТД" каби қўшма корхоналар ишга туширилгани вилоят иқтисодиётини юксалтиришда, ёшларни иш билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Шу билан бирга, деб таъкидлади Президентимиз, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, кейинги йилларда Сирдарё вилоятининг асосий соҳаларидаги кўрсаткичлар, бу заминда шаклланган иқтисодий салоҳият пасайиб бормоқда.

Вилоятда давлатга пахта сотиш бўйича шартнома режаси 13 йилдан буён сурункасига бажарилмай келаяпти. Жорий йилда вилоят пахта тайёрлаш шартнома режаси бўйича республикада энг охирги ўринда қолиб кетди. Вилоят бўйича 73 минг тонна пахта ҳосили бой берилди, бошқача айтганда, 18 миллиард сўм даромад йўқотилди.

Ғаллачилик соҳасида ҳам орқага кетиш, ҳосилдорликнинг камайиши кузатилаётир. 1 минг 66 фермер хўжалиги шартнома режасини бажара олмагани туфайли вилоят бўйича жорий йилда 12,4 минг тонна дон кам топширилди.

Ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш ўрнига, уларни ҳисоботдан яшириш, талон-торож қилиш кучайиб кетган.

Бундай салбий ҳолатларнинг сабаби вилоятда ишлаб чиқаришни янгилаш ва такомиллаштириш, ишни янгича асосда ташкил этиш, бошқача айтганда, ташкилотчилик ва талабчанлик бўшашиб кетганлигидадир. Шунингдек, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда, уларнинг масъулиятини оширишда жиддий хатоларга йўл қўйилган.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Равшан Ҳайдаров ўз аризасига биноан Сирдарё вилояти ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислом Каримовнинг тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаб келаётган Абдураҳим Жалолов Сирдарё вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўзга чиққан "Дўстлик" каналидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Олимжон Ражабов, Боёвут туманидаги 31-мактаб директори Баҳри Бобоқулова, Гулистон туманидаги "Уч қаҳрамон" ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Абдураззоқ Абдуназаров, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими котиби Ҳаётхон Ортиқбоева Президентимиз нутқида келтирилган танқидий фикрлардан тегишли хулоса чиқариб, қўйилган вазифаларни уюшқоқлик ва масъулият билан адо этиш, Сирдарё шуҳрати ва обрў-эътиборини тиклаш вилоят аҳлининг бугунги кундаги асосий бурчи эканини алоҳида таъкидладилар.

**Воҳид ЛУҚМОНОВ,**
**Акимжон АДИЗОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**

**СУРАТЛАРДА: сессиядан лавҳалар.**
**Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.**

## Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи баёни

Бугунги йиғилишимиз кун тартибига қўйилган масала бўйича батафсил фикр алмашиб, тегишли қарор қабул қилишимиз зарур, деди давлатимиз раҳбари сессияда. Маълумки, мавсум ёки йил якунига етиши билан ҳар қайси жамоа, ҳар қайси ташкилот, керак бўлса, ҳар қайси туман ва вилоятда амалга оширилган ишлар танқидий нуқтаи назардан баҳоланиб, сарҳисоб қилинади.

Бугун биз Сирдарё вилоятининг иш якунларини кўрар эканмиз, эътиборни нафақат бир йиллик натижаларга қаратишимиз, балки охирги йилларда шу заминда барча соҳаларда эришилган марраларни эътироф этган ҳолда, ҳаммамизни ташвишга соладиган, чуқур ўйлашга мажбур қиладиган воқеалар, сурункали тус олган оқсоқлик сабаблари ҳақида фикр юритишимиз ва уларни бартараф этиш йўлларини излашимизни ҳаётимизнинг ўзи тақозо этмоқда.

Дарҳақиқат, бу йил қатор вилоятларда бўлиб ўтган учрашувларда, навбатдан ташқари сессияларда жойларда ислоҳотларнинг бориши билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Бу йиғилишларда ким қандай ютуқларга эришгани, ким қандай хато ва камчиликларга йўл қўйгани ҳақида рўй-рост гапиряпти, ҳар ким ўз ишига қараб муносиб баҳосини оляпти. Биров рағбатга сазовор бўляпти, бошқа бировнинг эса ўз жойини бўшатиб беришига тўғри келяпти.

Қаерда бўлмасин, ютуқларимиз билан бирга камчиликлар ҳақида ҳам ҳеч кимдан яширмасдан, телевидение ва матбуот орқали халқимизга ахборот бериб боряпти.

Масалага бундай ёндашув бизнинг демократия ва ошкоралик тамойиллари асосида янги жамият қураётганимиздан, ана шу умумбашарий қадриятлар онгу тафаккуримизга тобора сингиб, ҳаётимиз эркинлашиб бораётганидан далолат беради.

Сирдарё вилояти ҳақида, унинг тузилиш ва шаклланиш тарихи, мамлакатимиз ҳаётида тутган иқтисодий, сиёсий-ижтимоий, маданий ўрни, унинг бугунги куни ва келгуси истиқболи ҳақида сўз юритганда, албатта, бу вилоят, бошқалардан фарқли ўлароқ, қандай қийин ва оғир шароитда ташкил топганига алоҳида эътибор беради, деди Президент. Жумладан, чўл ҳудудида жойлашган ушбу вилоят ерларининг аксарият қисми шўрлангани, жазирама иссиқ, сув ресурслари, ишчи кучининг етишмаслиги каби объектив ҳолатлар мавжудлигини ҳеч ким инкор этмайди. Албатта, буларнинг барчаси Сирдарё вилояти ривожига, шу ерда яшаётган юз минглаб одамларнинг ҳаётига катта салбий таъсир кўрсатаётганини ҳаммамиз тан оламиз.

Шу боисдан ҳам ҳар гал янги йил ва истиқбол режаларини белгилаётганда ҳукуматимиз ва тармоқ вазирликлари бу вилоятнинг муаммоларини алоҳида ҳисобга олиши нақадар муҳим экани ҳақида гапириш ортиқча, деб ўйлайман.

Вилоятдаги аҳволни қисқача таҳлил қиладиган бўлсак, ишлаб чиқариш соҳаларини, жумладан, етакчи қишлоқ хўжалик тармоғини оладиган бўлсак, тупроқ унумдорлигининг пастлиги, ер ости сувларининг кўтарилиб, шўр босиш тобора кучайиб бораётгани, ирригация ва мелиорация ишларига доимий эътибор қаратиш зарурлиги маълум бўлади.

Лекин, шулар қаторида бир саволга ҳолисона жавоб берайлик, деди Президентимиз. Сирдарё вилояти шароитига бундай кўз билан қараш, бундай муносабат ўз йўли билан, аммо шу ерда яшаётган одамларнинг ҳаёт даражасини бошқалардан кам бўлмайдиган бир босқичга кўтариш, уларнинг ўз меҳнати, куч-ғайрати билан муносиб даромад топиши учун тегишли шароит ва имкониятлар яратиб бериш, аввало жамоатчилигимиз ва халқимизни шунга сафарбар қилиш керакми, йўқми?

Яхши ният билан меҳнат қилаётган одамларнинг бошини қовуштириш, кўнглини кўтариш, ишни оқилона ташкил қилиш, бир сўз билан айтганда, қийинчиликларда тобланган ва суяги қотган, ор-номусли Сирдарё аҳли олдига амалий режалар ва катта марраларни қўйиб, уларни шу мақсад сари бошлаш кимнинг вазифаси бўлиши керак?

Ана шундай масъулиятни ўз зиммасига оладиган, шу ерни обод қилишга бел боғлаган, шу юрт менинг, оиламнинг, болаларимнинг ватани, деган фикр билан яшайдиган одамларни кимдир етакчи бўлиб руҳлантириши, зарур бўлганда, кўкрагини қалқон қилиб уларни ҳимоялаши керакми, йўқми?

Мамлакатимиз раҳбари вилоят ҳаётида тўпланиб қолган ўткир муаммолар, ғов-тўсиқларнинг ҳаммаси бугунги кунда аввало бир масалага — кадрлар масаласига бориб тақалиши аён, дея таъкидлади. Яъни, билимли, ташкилотчи ва ташаббускор, жавобгарликни ўзига олишга қодир бўлган, ўзини аямасдан ишлайдиган фидойиларнинг етишмаслиги Сирдарё шароитида ҳали-бери оғир муаммо бўлиб қолмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, Сирдарёнинг катта салоҳиятга эга экани, унинг Ўзбекистон ривожига қандай ҳисса қўшгани, кўп-кўп ишнинг кўзини биладиган, етук кадрлар шу ерда камол топиб, ўзини намоён этгани ҳам жамоатчилигимизга яхши маълум.

Вилоят тарихида шундай кўтарилиш даврлари бўлганки, улар ҳақиқий мардлар ва қаҳрамонларни юзага чиқарган. Бу баландпарвоз гап эмас. Шу заминни ўзлаштиришга азму қарор қилиб, юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларидан келган минг-минглаб одамлар электр ўрнига керосин чироқ ёқиб,

(Давоми 2-бетда).

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

***ФАРМОНИ***

### А.А.Жалоловни Сирдарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-(15-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ:

Абдураҳим Абдураҳмонович Жалолов Сирдарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 26 ноябрь.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

***ФАРМОНИ***

### Р.Ҳ.Ҳайдаровни Сирдарё вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-(15-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ:

Равшан Ҳайдарович Ҳайдаров ўз аризасига биноан Сирдарё вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 26 ноябрь.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

Маълумки, мамлакатимиз парламентида Европа Иттифоқи Комиссияси ЕвропаЭйд дастури доирасида «Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш» лойиҳасини амалга оширишга киришилган бўлиб, кеча мазкур лойиҳа билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштирувчи Бошқарув қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда ЕвропаЭйд дастурининг Марказий Осиё ва Кавказ бўйича лойиҳалар раҳбари Ж. Силва-Родригес, Ўзбекистондаги лойиҳанинг бажарилишини таъминлайдиган Европа консорциуми вакиллари, лойиҳани олувчилар ва шериклар иштирок этди.

Бошқарув қўмитаси йиғилишида келгусида Олий Мажлисда, икки палатали парламент тизими шароитида биргаликда амалга ошириладиган ишларнинг асосий йўналишлари муҳокама этилди, қонунчилик борасидаги энг яхши хорижий амалиёт ҳамда Европа парламентлар тизими фаолияти тажрибаларидан баҳраманд бўлиш усуллари белгилаб олинди.

Йиғилиш иштирокчилари шуни таъкидлаб ўтдиларки, ушбу лойиҳа Европа Иттифоқининг Олий Мажлис билан самарали ҳамкорлик қилиш ва техникавий кўмаклашишга қаратилган ишларининг давоми бўлиб қолади, демократлаштириш бўйича ТАСИС дастурининг илгариги лойиҳаларига ворисликни таъминлайди. Йиғилишда қонун ижодкорлиги жараёнига кўмаклашиш борасидаги янгича ёндашувлар ҳақида ўзаро фикр алмашилди, Ўзбекистонда амалга оширилаётган бошқа лойиҳалар тўғрисида ахборотлар тингланди.

## *Олий Мажлис XVI сессияси олдидан*



***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ҳузуридаги Инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссиянинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Омбудсманнинг беш йиллик фаолиятига доир ҳисоботи эшитилди ҳамда Олий Мажлиснинг Иккинчи чақириқ XVI сессиясида кўриб чиқилиши лозим бўлган масалалар муҳокама этилди.***

### Комиссия йиғилиши

2000-2004 йиллар мобайнида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилига 25 мингга яқин мурожаат келиб тушди. Келиб тушган мурожаатларнинг беш мингдан зиёди назоратга олинган, шулардан 1500 дан кўпроғи ҳисобот даврида ижобий ҳал этилган, қолганлари эса ижрода.

Шикоятлар таҳлили Тошкент шаҳри, Тошкент, Сурхондарё, Самарқанд, Қашқадарё, Фарғона ва Андижон вилоятларидан келиб тушаётган мурожаатлар сонининг кўпайиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Мурожаатларнинг аксарияти қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, ижтимоий ҳимояни таъминлаш, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига таалluқлидир.

Ўтган шу даврда 40 дан зиёд давлат (Европа мамлакатлари, Осиё, МДҲ, Америка) билан ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилди. Россия, Польша, Швеция, Озарбойжон ва Латвия Омбудсманлари билан ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди. Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг хорижий ҳамкасбларининг мурожаатлари юзасидан, нафақат Ўзбекистон, балки чет эл фуқароларининг паймол этилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш борасидаги фаолияти сезиларли даражада жонланди.

Қонунчилик ҳокимиятининг қайта шаклланиши билан Омбудсман институти фаолиятининг икки палатали парламент шароитидаги концепциясини ишлаб чиқиш зарурати юзага келди ва бу иш бир неча йил олдин бошлаб юборилган эди. 50 дан ортиқ чет эл қонунлари таҳлили ўтказилди. Икки палатали парламент тизимида Омбудсман институти фаолияти концепциясининг ишлаб чиқилишида халқаро экспертлар қатнашдилар. Вакилнинг ҳуқуқ ва вазифалари, унинг фаолияти кафолатлари, сайланиш тартиби, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш жараёни ва фаолиятидаги бошқа масалаларни аниқловчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар, янги таҳрирдаги қонуннинг қабул қилиниши Вакил тўғрисидаги қонунчилик базасини мустаҳкамлашни, миллий қонунчиликни халқаро стандартларга яқинлаштиришни, Инсон ҳуқуқлари бўйича қонунчиликка риоя қилиш миллий тизими мониторингини такомиллаштиришини ҳамда ҳадемай яқинда ўзининг 10 ёшини нишонлайдиган бу нуфузли муассасанинг обрў-эътибори ортиб, дунё ҳамжамияти сафида ҳам қадди ростланиб бораётганлигини таъкидладилар.

### Қонун ижроси билан кучли

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни қўмита раиси Н. Исмоилов бошқариб борди.

Йиғилишда гиёҳвандликка қарши курашга қаратилган қонунларнинг Сурхондарё вилоятидаги ижросини ўрганиш якунлари ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Инсон соғлиғи ва хавфсизлигига жиддий таҳдид солувчи, криминоген вазиятга, жамиятнинг иқтисодий ва маданий негизига салбий таъсир кўрсатувчи ушбу иллатга қарши курашга қаратилган қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасида вилоятда муайян ишлар амалга оширилаётганлиги таъкидланди.

Жумладан, вилоятда гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланишига қарши курашиш ҳамда наркотик моддалар тарқалишининг олдини олиш масалаларини мувофиқлаштириш мақсадида вилоят ва туман ҳокимликлари ҳузурида комиссиялар тузилган. Уларнинг профилактик чора-тадбирлар ўтказиш бўйича ўз комплекс дастурлари мавжуд. Бу хилдаги кураш ишлари кенг жамоатчилик асосида ҳам олиб борилмоқда.

Шу билан бир қаторда йиғилишда ушбу иллатга қарши курашга қаратилган қонунларнинг ижросини янада тўлиқ таъминлаш, унинг халқаро амалиётдаги мавжуд самарали шаклларини жорий этиш баъзи жойларда қониқарсиз эканлиги ҳамда бу борада қўшимча чора-тадбирлар кўриш лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, қўмита йиғилишида жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий ҳимоялашга ва ишга жойлаштиришда ёрдам кўрсатишга қаратилган қонунларнинг Андижон вилоятида ижро этилиши ҳақидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Мазкур масалада вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузуридаги махсус комиссиялар томонидан жазони ижро этиш жойларидан қайтган шахсларга маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатиб келинаётганлиги, 2003

(Давоми 2-бетда).

# СИРДАРЁНИНГ САЛОҲИЯТИ ВА ШУҲРАТИНИ МАРД, ОРИЯТЛИ ИНСОНЛАР ТИКЛАЙДИ

## Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи баёни

(Давоми. Боши 1-бетда).

гармсел шамоллари ва қаҳратон совуғига бардош бериб яшаган ва ишлаган. Буни халқимиз жуда яхши билади.

Ана шундай заҳматкаш кишиларнинг меҳнати ва матонати билан Сирдарё том маънодаги вилоят бўлиб шаклланган. Бугун шу инсонларнинг номларини, эл-юрт равнақи йўлидаги унутилмас хизматларини эслаб, уларга ҳар қанча ҳурмат-эҳтиром билдирсак арзийди. Афсуски, охирги йиллар мобайнида Сирдарёда бундай ибратли мисоллар ўзининг давомини топмаяпти.

Албатта, бугун вилоятда ҳеч қандай ўзгариш рўй бермаяпти, десак, адолатдан бўлмайди. Барча минтақа ва ҳудудларимиз қатори Сирдарё вилоятида ҳам ҳаёт, тараққиёт тўхтаб тургани йўқ, мавжуд қийинчиликларга қарамай, одамлар ишламоқда, янги-янги марралар сари интилмоқда. Шу ўринда 9 ойлик якунларига кўра, вилоятда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 112 фоизга, саноат маҳсулотлари ҳажми эса 116 фоизга ўсганини қайд этиш зарур.

Хусусан, АҚШ, Россия, Туркия ва Швейцария мамлакатлари иштирокида барпо этилган замонавий саноат корхоналари, жумладан, йилига 7,5 миллион дона трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган "Лола-модуль", лойиҳа қиймати 15 миллион евро бўлган "Сайхун-медтекс", қарийб 500 минг долларлик сармоя киритилган "Сардоба-давр ЛТД", қишлоқ хўжалик соҳаси учун зарур ускуна ва механизмлар тайёрланадиган "Б-Алтайсервис" каби қўшма корхоналарнинг ишга туширилгани вилоят иқтисодиётидаги салмоқли ўзгаришлар қаторига киради.

Ҳозирги вақтда бу ерда Ўзбекистон ва Буюк Британия иштирокида барпо этилган "Сарбон-текс" қўшма корхонасининг иккинчи навбатини қуриш бўйича ишлар якунланмоқда. Энг муҳими, мана шундай катта лойиҳаларни амалга ошириш натижасида вилоят бўйича 14 мингдан зиёд, шу жумладан, қишлоқ жойларида 11 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Вилоятда шаҳар ва қишлоқларнинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш борасида ҳам бирмунча ишлар қилингани, хусусан, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида сув тармоқлари тортиш 129 фоиз, газ тармоқлари тортиш эса 123 фоизга кўпайганини, янги йўллар, болалар спорт иншоотлари қурилганини, ободончилик ишлари бажарилганини ижобий баҳолаш мумкин.

Шу билан бирга, Президентимиз кейинги йилларда Сирдарё вилоятининг кўпгина асосий соҳалардаги кўрсаткичлари, бу заминда йиллар давомида шаклланган иқтисодий салоҳиятнинг тобора пасайиб бораётганини афсус билан қайд этди.

Ислом Каримов бундай қолоқ вазиятни кузатиш ва исбот қилиб бериш учун фақатгина айрим соҳа ва тармоқлар аҳволига депутатлар эътиборини жалб қилар экан, вилоят иқтисодиётининг етакчи тармоғи бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасида давлатга пахта сотиш бўйича шартнома режаси 13 йилдан буён сурункасига бажарилмасдан келаётганини кўрсатиб ўтди.

Жорий йилда ҳам бу борада сезиларли ўзгариш бўлмагани, пахта тайёрлаш шартнома режаси республика бўйича энг охирги ўринда — 72 фоизда қолиб кетгани, ҳосилдорлик атиги 15 центнерни, Ховос ва Мирзаобод туманларида эса 10 центнерни ташкил этгани ғоят ачинарлидир.

Бу соҳадаги жиддий хато-камчиликлар туфайли вилоят бўйича 73 минг тонна пахта ҳосили бой берилди, бошқача айтганда, 18 миллиард сўм даромад йўқотилди, давлатга, халққа қанча зарар етказилди. Энг ёмони, бундай аҳвол йил бўйи кечани кеча, кундузни кундуз демай тер тўкиб меҳнат қилган одамларнинг даромади ва турмуш даражасига салбий таъсир ўтказмасдан қолмайди.

Вилоятда пахтачиликка ихтисослашган 8 та туман, 26 та ширкат хўжалиги, 6 минг 186 та фермер хўжалиги пахта тайёрлаш бўйича шартнома режасини бажармаган.

Бунинг тагини суриштирсангиз, асосий сабаби битта — яъни ишни тўғри ташкил этолмаслик, масъулиятсизлик ва ўзибўларчилик кайфиятида десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Минг афсуски, мана шундай ҳолат кўп йиллардан буён муттасил давом этиб, туман ва вилоят раҳбарлари уни қандайдир табиий ҳол, деб ҳисоблашга ўрганиб қолган, деди Ислом Каримов.

Бундай салбий ишлар учун куюниш, ўзини қийнаш, шу вазиятга олиб келадиган сабабларни таҳлил қилиш, уларнинг илдизига етиб бориш, амалий чора-тадбирлар кўриш ўрнига бу раҳбарлар бепарволик ва лоқайдликка берилиб кетганини сезиш қийин эмас. Энг ачинарли томони шуки, ҳар йили мана шундай мавсум якунида белгиланган режа ва мажбуриятларнинг бажарилмаганига албатта сабаб топилади. Раҳбарлар эса ўзини оқлаш учун турли-турли баҳоналарни рўкач қилиб, ваъзхонликдан нарига ўтмайди.

Мисол учун, жорий йилни олсак, у ҳақиқатан ҳам, ҳар томонлама пахтачилик учун қулай келди, деди мамлакатимиз раҳбари. Табиий шароит ҳам, об-ҳаво ҳам, ҳосил учун энг зарур бўлган сув таъминоти ҳам яхши бўлди, бундан нолисак, ношукурлик бўлади.

Шу ўринда Президентимиз бир қатор саволларни ўртага ташлади.

Сирдарё вилоятида ҳам жуда кўп меҳнат сарф қилиниб, яхши ҳосил етиштирилган бир пайтда уни йиғиб-териб олиш ишлари тўғри ташкил этилмагани, хусусан, зарур ишчи кучи, теримчилар кенг жалб қилинмаганини қандай баҳолаш керак?

Натижада деҳқонларнинг пешона тери билан шундай қийинчилик эвазига етиштирилган ҳосилнинг далада қолиб кетгани учун ким жавоб беради?

Сирдарёда ҳар доим ишчи кучи етишмаслигини олдиндан билатуриб, техникани ўз вақтида тайёрлаш, механизаторларни сафарбар этиш, уларни рағбатлантириш, бир сўз билан айтганда, механизация ҳисобидан бу масалани ечиш бўйича ким ўйлаши, ким қайғуриши керак эди?

Жорий йилда вилоятдаги мавжуд 201 та терим машинасидан 140 таси ишлатилгани ҳам шунинг оқибати эмасми?

Пахтачиликдаги қолоқликнинг яна бир сабаби — ғўза навларини районлаштириш ва Сирдарё шароитига мос келадиган навларни танлаш ишларида аниқ илмий ёндашувнинг йўқлиги билан боғлиқ, деб қайд этди Ислом Каримов. Маҳаллий шароитда синовдан ўтган навларни кўпроқ экиш, янги навлар устида қаттиқ ишлаш масаласи ўзибўларчиликка ташлаб қўйилганини кузатиш қийин эмас.

Маълумки, Сирдарё вилоятидаги мураккаб шароитни ҳисобга олиб, пахта бўйича шартнома режалари охирги йиллар анчага камайтирилиб қўйилганини ҳам эсимиздан чиқармаслигимиз керак.

Яратиб берилган шароитга қарамасдан, белгиланган режани ҳалол бажариш ўрнига айрим мансабдор шахслар томонидан кўзбўямачилик, сохта ҳисоботлар бериш каби хунук хатти-ҳаракатлар содир этилаётганига нима деса бўлади?

Текширишлар натижасига кўра, бу йилги пахта йиғим-терими мавсумида вилоят ҳокимининг тазйиқи остида анча-мунча қўшиб ёзишлар бўлгани аниқланган. Бу жиноий ишлар бўйича ҳозир тергов органлари текширув ўтказмоқда ва айбдорлар албатта жазосини олади.

Юртбошимиз куюниб айтганидек, вилоятда нафақат пахтачилик, балки бошқа муҳим тармоқлар, жумладан, ғаллачилик соҳасида ҳам муттасил орқага кетиш, ҳосилдорликнинг камайиши кузатилмоқда.

Бу борада 1 минг 66 та фермер хўжалиги шартнома режасини бажара олмагани, оқибатда вилоят бўйича жорий йилда 12,4 минг тонна дон кам топширилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Минг афсуски, бу соҳада ҳам қўшиб ёзиш ҳолатларига йўл қўйилган. Жумладан, "Ховосдон" акциядорлик жамиятида 15 минг тонна, "Оқолтиндон" акциядорлик жамиятида 3 минг 800 тонна, "Боёвут" дон тайёрлаш пунктида эса 1 минг 500 тонна ғалла қўшиб ёзилгани бу тармоқда ҳам қинғир ишлар борлигини кўрсатади.

Мутасадди раҳбарларда талабчанлик ва қатъият етишмаслиги туфайли вилоятда ризқ-рўзимиз манбаи бўлган ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш ўрнига уларни ҳисоботдан яшириш, талон-торож қилиш ҳолатлари авж олган. Масалан, Ховос туманидаги "Истиқлол" фермер хўжалигида 60 гектар ерга пахта ўрнига полиз ва сабзавот, маккажўхори ва шоли экилган.

Бундай бемаза ишлар Гулистон ва Сирдарё, Сайхунобод ва Сардоба, Оқолтин туманларида айниқса чуқур томир отган. Шунинг натижасида вилоят бўйича тахминан 1,5 минг гектар ерга пахта ўрнига бошқа экинлар экилиб, ердан фойдаланиш бўйича мавжуд тартиб-қоидалар бузилган.

Президентимиз фермерларга ер ажратиш борасида уруғ-аймоқчилик, ошна-оғайнигарчилик иллатлари кучайиб кетганини исботловчи аниқ далилларни келтириб ўтди. Мисол учун, Боёвут тумани ҳокими Эргаш Дадабоев ўз ўғлига 88 гектар ерни, бу ҳам етмаганидек, бутун бир фермер хўжалигини қонун талабларига зид равишда расмийлаштириб берган.

Айрим масъул раҳбарларнинг ўз лавозимини суиистеъмол қилиши билан боғлиқ бундай нохуш ҳолатлар кўплаб учрамоқда. Ўтказилган текширувлар давомида аниқланишича, мансабдор шахслар ва баъзи ҳокимлик вакилларининг 30 та ҳолатда қонунга хилоф тарзда ер ажратишга аралашгани ҳам буни исботлаб турибди.

Вазирлар Маҳкамасининг вилоятдаги 25 та ширкат хўжалигини фермер хўжаликларига айлантириш тўғрисидаги қарорини бажариш охирига етказилмагани сабабли 1 минг 700 гектар ер ҳозиргача эгасиз ётибди. Ушбу хўжаликларнинг 1 миллиард 500 миллион сўмлик мулки ҳали-бери хусусийлаштирилмаган.

Республика ҳукумати вилоятда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 2000-2004 йилларда ирригация ва мелиорация тармоқларининг капитал қурилиши ва эксплуатацияси учун 28 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратган эди. Афсуски, бу маблағнинг 83 фоизи ўзлаштирилган, холос.

Ишга ана шундай лоқайдлик оқибатида Сирдарё шароитида катта аҳамиятга эга бўлган хўжаликлараро ва ички суғориш каналлари ҳамда коллекторларини тозалаш ва реконструкция қилиш ишлари бор-йўғи 50 фоиз атрофида бажарилган.

Натижада кейинги икки йил давомида шўрланган майдонлар қарийб 10 минг гектарга кўпайиб, умумий ҳисобда 64 минг 500 гектарга етган.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, вилоятда 2 минг 730 гектар экин майдони бўйича ҳисоботлар нотўғри юритилгани, 150 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик техникалари ва эҳтиёт қисмлари ўзлаштириб юборилгани нафақат ер масаласида, балки бошқа моддий ресурсларни сақлаш, улардан оқилона фойдаланиш борасида ҳам тартиб-интизом бўшашиб кетганини кўрсатади.

Тармоқда шартнома мажбуриятларининг сурункасига бажарилмаслиги оқибатида кўпгина хўжаликларнинг молиявий аҳволи ёмонлашиб бормоқда. Вилоятдаги 18 та ширкат хўжалиги 445 миллион сўм, 1 минг 700 та фермер хўжалиги эса 3,5 миллиард сўмдан зиёд транш маблағларини олгани ҳолда, уларни ҳали-бери банкларга қайтармагани ҳам буни исботлаб турибди.

Албатта, юқорида зикр этилган салбий ҳолатлар бўйича барча айбдор шахслар қонун олдида жавоб беради. Лекин кўзбўямачилик ва фирибгарликнинг шунчалик чуқур томир отишига тегишли органлар, депутатлар ва фаоллар нега жимгина қараб турди, деган ҳақли савол туғилади.

Сирдарё вилоятида бугунги кун талаби бўлган иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш, саноат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ишлар таҳлилига тўхталар экан, мамлакатимиз раҳбари бу борада ҳам оқсоқлик кўзга ташланаётганига эътиборни қаратди.

Ҳозирги пайтда вилоятда хорижий инвестициялар иштирокида тузилган 43 та қўшма корхонадан 12 таси турли сабаблар билан ишламаётгани бу масалага бўлган лоқайдлик ва эътиборсизлик натижасидир.

Вилоятда жойлардаги мавжуд хомашёдан тайёр маҳсулот ва истеъмол моллари ишлаб чиқариш борасида қабул қилинган минтақавий дастур амалда бажарилмасдан келмоқда.

2004 йилнинг тўққиз ойи якунларига кўра, маҳаллий хомашё негизида маҳсулотлар ишлаб чиқариши режалаштирилган 7 та корхонадан бор-йўғи учтасида эндигина бу иш бошланган.

Ўз-ўзидан савол туғилади. Нима, Сирдарёда бунинг учун керакли хомашё йўқми? Бор. Фақат бу ишга эътибор йўқ, раҳбарларда масъулият йўқ, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш йўқ, деди Юртбошимиз. Вилоятда етиштирилаётган гўштнинг атиги 14 фоизи, сутнинг 12 фоизи, пахтанинг 4 фоизи, хўл меванинг 5 фоизи шу ернинг ўзида қайта ишланаётгани ҳам буни исботлайди. Ҳолбуки, вилоятда кўп миқдорда етиштириладиган сабзавот ва боғдорчилик, жун ва тери маҳсулотларини қайта ишлаб даромад топиш имкониятлари мавжуд.

Вилоятда молиявий барқарорликни таъминлаш, ўзаро ҳисоб-китобларни тўғри йўлга қўйиш, бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш, накд пул тушумини кўпайтириш, айланма маблағлар салмоғини ошириш борасида ҳам талайгина муаммолар бор. Жорий йилнинг 1 сентябригача дебиторлик қарзлар миқдори 245 миллиард сўмдан, кредиторлик қарзлар эса 248 миллиард сўмдан ошиб кетгани буни яққол тасдиқлайди.

Аҳолига коммунал хизмат кўрсатишнинг сифатини ошириш, қарзларни ундириш борасида тегишли чора-тадбирлар кўрилмаётгани туфайли бу соҳадаги қарзлар миқдори йил бошидан буён 123 миллион сўмга кўпайган.

Текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, вилоят раҳбарияти бу ҳолатларнинг сабабларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш ўрнига бюджетга пул тушумларини таъминлашнинг ғайриқонуний усулларини қўллаган. Яъни, хусусий тадбиркорларга дўқ-пўписа қилиш, тазйиқ ўтказиш орқали қонунга хилоф ишларни амалга оширган ва фирибгарлик йўлидан ҳам қайтмаган. Бу борада кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Ҳозирги вақтда Марказий банк ва Молия вазирлиги бундай номақбул ҳолатларга чек қўйиш устида иш олиб бормоқда.

Аҳолисининг кўп қисми чўл ҳудудларида яшайдиган Сирдарё вилоятида ижтимоий масалалар қанчалик долзарб аҳамиятга эга экани ҳеч кимга сир эмас, деди Президентимиз, бу борадаги ишлар ҳам қониқарсиз аҳволда эканини қайд этиб.

Мисол учун, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш масаласини олсак, бугунги кунда вилоятдаги жами 474 километр узунликдаги сув тармоғининг 193 километри фойдаланишга яроқсиз ҳолга келиб қолгани, мавжуд 94 та қудуқнинг 30 тасидан умуман фойдаланиб бўлмаслиги аён бўлади.

Давлатимиз раҳбари куюнчаклик билан сўзлаганидек, ҳатто раҳбарларнинг шундоқ кўз ўнгида бўлган Гулистон шаҳридаги сув насосларининг 60 фоизи яроқсиз ҳолга келиб қолгани сабабли, кўп қаватли уйларнинг юқори қаватларига сув етказиб беришда мунтазам узилишлар рўй бермоқда. Шаҳардаги мавжуд 139 километрлик сув тармоғининг 85 километри фойдаланишга деярли ярамайди.

Ислом Каримов ана шу мураккаб муаммони ечиш учун ҳукуматимиз ва Осиё Тараққиёт банки ўртасида 2002-2007 йилларда Гулистон шаҳрини сув билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида шартнома имзоланганлигини эслатиб ўтди.

Бу шартномага кўра, шаҳарда 14 миллион 300 минг АҚШ доллари миқдоридаги иш бажарилиб, сув тармоқларини қайта тиклаш ва қуриш режалаштирилган эди. Лекин вилоят раҳбарияти ва тегишли мутасаддиларнинг масъулиятсизлиги туфайли лойиҳани амалга ошириш ишлари пайсалга солиниб, фақат 2003 йилнинг декабрида бошланди. Шу боис ҳозиргача Шимолий Гулистон сув тўплаш ҳавзасида сиғими бор-йўғи 10 минг куб метрли иншоот қурилган, холос.

Вилоятда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини барпо этишдек долзарб масалада ҳам қолоқликка йўл қўйилмоқда.

2002-2004 йилларда фойдаланишга топшириш мўлжалланган 19 та касб-ҳунар коллежининг 6 таси ҳанузгача қуриб битказилмаганини албатта қониқарли деб бўлмайди. Бундай ачинарли ҳолатни соғлиқни сақлаш тизимида ҳам кўриш мумкин. Масалан, жорий йилда белгиланган 20 та қишлоқ врачлик пунктидан атиги 6 таси ишга туширилган.

Вилоятда бу ўта муҳим масалага мана шундай совуққон муносабат туфайли аҳолининг умумий касалланиш даражаси ўтган йилга нисбатан 8 фоизга, шу жумладан, вирусли гепатит 23 фоизга, наркологик касалликлар эса 20 фоизга кўпайган. Оналар ва болалар ўртасида касалликларга чалиниш даражаси юқорилигича қолмоқда.

Буларнинг барчаси вилоятда ижтимоий муаммоларни ҳал этиш учун зудлик билан зарур чора-тадбирлар кўришни талаб этади, деди Ислом Каримов.

Сирдарё вилоятида қонунчиликни таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш борасидаги ишларнинг ҳолати барчани ташвишга солмоқда. Буни жорий йилнинг 9 ойи давомида содир этилган жиноятлар сони 4,5 фоизга, жумладан, оғир тан жароҳати етказиш 25 фоизга, транспорт воситаларини ўғрилаш 100 фоизга кўпайгани ҳам тасдиқлайди.

Вилоятда товар-моддий бойликларни қонунга хилоф равишда четга олиб чиқиш ҳолатлари йўлига қатъий тўсиқ қўйилмаяпти. Биргина шу йилнинг 9 ойи мобайнида 150 тонна қора ва рангли металл, 26 тонна минерал ўғит қўшни давлатларга контрабанда йўли билан олиб ўтилаётганда ҳуқуқ-тартибот ходимлари томонидан ушланган.

Юқорида зикр этилган салбий ҳолатларнинг илдизи, томири қаерда, деган саволга жавоб излайдиган бўлсак, деди Юртбошимиз, бунинг сабабини биринчи навбатда вилоятда тартиб-интизомнинг бўшашиб кетганида ва такрор айтишга тўғри келади — кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг масъулиятини оширишда йўл қўйилаётган жиддий хатоларда кўриш керак.

Шу ўринда илгари ҳам билдирган бир фикрни яна айтмоқчиман, деди Президент. Раҳбар борки, белини маҳкам боғлаб, аввало, ўз манфаатини эмас, эл-улусни, шу ерда яшаётган инсонларнинг манфаатини ўйлаб фидойилик кўрсатиб, керак бўлса, шу юрт учун жонимни бераман, деб меҳнат қилади. Бундай раҳбар одамларнинг бошини қовуштириб, олдига катта марраларни қўйиб мана шу заминни обод этиш, одамларни рози қилишга эришади.

Лекин, надомат билан айтиш керак, ҳаётда шундай раҳбарлар ҳам бўладики, мансаб курсисига ўтириши билан мутлақо ўзгариб қолади. Олдин ким бўлганини, қайси қишлоқ, қайси маҳалладан чиққанини унутади. Бир сўз билан айтганда, оёғи ердан узилади.

Ўзининг кибр-ҳавоси, одамларни менсимаслиги, ўзбошимчалиги ва қўполлиги билан кўпчиликнинг кўнглини ранжитади. Одамларни, жамоатчиликни бирлаштириш, руҳини кўтариш ўрнига тескари оқибатларга олиб келадиган ишларга қўл уради.

Вилоят ҳокими Равшан Ҳайдаров фаолияти ҳақида гапирганда, шуни айтиш кераки, у тасодифан ҳоким бўлиб қолган эмас. У илгари ҳам кўп жойларда, катта лавозимларда ишлаб, тажриба орттирган, деди Ислом Каримов.

Унинг кўп йиллар Ички ишлар вазирлигида масъул лавозимларда ишлагани, жумладан, етти йил вазир муовини бўлгани, кейинчалик Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри Ички ишлар бош бошқармасига раҳбарлик қилгани, сўнгги йилларда фавқулодда вазиятлар вазири, Божхона қўмитаси раиси бўлиб фаолият кўрсатгани ҳам буни исботлайди.

Ҳаммамизга маълумки, вилоятнинг биринчи раҳбари лавозими шу вилоятнинг ривожига, шу ҳудудда истиқомат қиладиган одамларнинг ҳаёти ва тақдирига бевосита таъсир ўтказади, шу боисдан ҳам бу вазифа инсондан жуда кўп ўзига хос хусусият ва фазилатларни талаб қилади.

Айтайлик, вазирлик лавозими баъзи бир нуқсонларни, енгил-елпи қарашларни кўтариши ҳам мумкиндир. Эҳтимол, бундай камчиликлар вазирлик вазифасида бирданига кўзга ташланмас.

Аммо вилоят ёки туман миқёсидаги биринчи раҳбарнинг фаолиятида бундай хунук ҳолатлар, аввало, манманлик, одамларнинг фикрига беписанд қараш каби иллатлар дарров кўриниб қолади ва ўз-ўзидан ишнинг натижасига салбий таъсир ўтказади.

Равшан Ҳайдаров вилоят ҳокими лавозимига ўтириши билан ишни илгари ўзи билан бирга ишлаган таниш-билишларини атрофига тўплашдан бошлаган, деди Президент.

Бундай одамлар илгари ички ишлар тизимида ишлаб, кейинчалик ўз вазифасидан четлатилган бўлишига қарамасдан, Ҳайдаров уларни Тошкентдан Сирдарёга олиб келиб, ўз ҳомийлигига олгани ҳар қандай одамни таажжублантиради, албатта.

Умуман, кадрларни танлаш борасидаги бундай номақбул ёндашувни кўп мисолларда кўриш мумкин. Масалан, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаган Ж.Шариповни олайлик.

Бу "чаққон" катта миқдордаги маблағ ва моддий бойликларни ўзлаштирган. Жумладан, нархи 15 миллион сўмлик трактор ва прицепни ўз ўғли Р.Шариповга тегишли "Ота орзуси" фермер хўжалиги ҳисобига ҳеч қандай ҳужжатсиз ва пул ўтказмасдан бериб юборган.

Бу масала бўйича қўзғатилган жиноий иш Р.Ҳайдаровнинг аралашуви билан "босди-босди" қилинган. Ҳозирда Ж.Шарипов устидан қўзғатилган жиноий иш тергов натижасига кўра вилоят судига юборилган.

Вилоят ҳокими 2003 йилда "Ховосдон" акциядорлик жамияти раҳбари Ш.Холиқбердиевни ҳам ноқонуний йўллар билан жиноий жазодан асраб қолган. Ҳолбуки, вилоят прокуратураси бу шахсни қўшиб ёзиш орқали ўғрилик қилишда айбдор деб топиб, унга нисбатан жиноий иш қўзғатган эди.

Яна бир собиқ раҳбар — "Сирдарё электр тармоқлари" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси А.Кўчқоров устидан ҳам 115 миллион сўмдан ортиқ миқдордаги молиявий фирибгарлик ва катта ҳажмдаги моддий-товар бойликларни ўзлаштириш бўйича жиноий иш очилган эди. Лекин Ҳайдаров ўз вақтида ўринбосарлари орқали вилоят прокурорига босим ўтказиб, бу ишни ҳам ёптириб юбормоқчи бўлган.

Вилоят ҳокими эл-юртнинг ичига кириб бориш, унинг дарду ташвишлари билан яшаш, ҳар бир муаммони ўз жойида ўрганиш ва ҳал қилиш ўрнига асосий вақтини ярим кечагача чўзиладиган мажлислар, қуруқ ваъзхонлик каби номақбул ишлар билан ўтказган.

Лўнда қилиб айтганда, таъкидлади Юртбошимиз, у ўз фаолиятида эски замондан қолган маъмурий-буйруқбозлик усулларини афзал кўрган. Яъни, бугунги кун талабларини мутлақо тушунмасдан иш юритган.

Унинг фаолиятидаги яна бир хунук ҳолат шундан иборатки, ўз қўл остидаги раҳбар ва ходимларни ҳақорат қилиш, камситиш, уларнинг шахсиятига тегишни ўзи учун иш услубига айлантириб олганини қандай баҳолаш керак?

Бугун вилоятни бошқаришда ҳукм сураётган мана шундай хунук ҳолатлар ва мавжуд вазиятни инобатга олиб, зарур хулоса чиқариб олишимиз лозимлиги барчамиз учун аён бўлмоқда. Юқорида йўл қўйилган барча нуқсон ва хатоларни Р.Ҳайдаровнинг ўзи ҳам тан олиб, эгаллаб турган вазифасидан озод қилиш ҳақида ариза берган. Шу масалани овозга қўйиш ва бу бўйича бугун тегишли қарор қабул қилишимиз керак.

Ҳозирги кунда Сирдарё вилоятининг оқсоқликка юз тутиб, ўз олдига қўйган режа ва мажбуриятларни бажармасдан, молиявий ва иқтисодий жиҳатдан оғир аҳволга тушиб қолгани ҳаммамизни, аввало, шу ерда яшаётган ва фаолият кўрсатаётган оддий ишчидан тортиб катта раҳбарлик лавозимларида ўтирганларнинг барча-барчасини ташвишга солиши табиий.

Ана шундай вазиятга олиб келадиган сабаб ва омиллар ҳақида ўйлар эканмиз, булар орасида энг муҳими — ҳаммамизни боқадиган ернинг унумдорлиги йилдан-йилга пасайиб бораётганини ҳеч ким инкор этолмайди.

Сирдарё воҳасини ўзлаштириш даврида ҳал қилинмай қолган муаммоларни ечмасдан, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшиламасдан, шўрланишга қарши чора кўрмасдан туриб, олдимизда турган барча тўсиқларни бартараф қилолмаймиз, таъкидлади Юртбошимиз ушбу масалага тўхталиб.

Яъни, ерларнинг мелиоратив ҳолатини, ишдан чиққан вертикал ва горизонтал дренажларни, коллекторларни тартибга солмасдан, бу борадаги оғир муаммоларни ҳал қилмасдан туриб, бугунги вазиятдан чиқишни умуман тасаввур қилиш қийин. Токи ушбу масала ечилмас экан, деҳқонларимиз қандай фидокорона меҳнат қилмасин, қандай шижоат кўрсатмасин, бу ҳаракатлар кутилган натижага олиб келиши амримаҳол.

Бу муаммоларни ҳал қилиш учун ҳукуматимиз ва тегишли вазирликлар керакли маблағни ажратиши, Сирдарё аҳли бир ёқадан бош чиқариб, бутун куч ва имкониятларини шу мақсад йўлида сафарбар этиши бугунги кундаги энг долзарб вазифа бўлиб турибди.

Мана шу юртни ўз ватани деб биладиган, Сирдарё замини билан ғурур-ифтихор қиладиган одамлар бу масалани ўз қўлига олмаса, шундай интилиш ва ғоя уларнинг қалби ва онгига кириб бормаса, барча ҳаракатларимиз самара бериши мушкул.

Албатта, бу ишларни ташкил қилиш учун ўз ҳаловатидан воз кечиб, бошқаларга ҳам тинчлик бермасдан, эл-юртни шунга сафарбар этиб, тинимсиз меҳнат қиладиган етакчи керак. Ва бу етакчи, ўйлайманки, шу соҳа бўйича мутахассис бўлиши лозим. Яъни, сув хўжалиги, ирригация ва мелиорация масалаларини, шу ишларнинг негизини чуқур биладиган, тажрибали, ўз касбини севадиган, вилоят аҳлининг орзу-умидлари ва ташвишларини юрак-юрагидан қабул қиладиган инсон бўлиши керак.

Мана шу талабларни эътиборга олган ҳолда, мамлакатимиз раҳбари Сирдарё вилояти ҳокими вазифасига ҳозирги пайтда қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаб келаётган Абдураҳим Жалоловни тавсия этди.

Сирдарё халқи азалдан қийинчиликларни сабот ва матонат билан енгиб келган меҳнаткаш, софдил, бағрикенг халқ. Мен Мирзачўл элининг изланувчанлик ва ташаббускорлик фазилатларига, меҳнат ва ҳаёт тажрибасига ишонаман, деди Президент пировардида.

Бу халқ бир ишга бел боғлаб киришса, албатта охирига етказади. Фақат унинг ишончини қозониш, кўнглига йўл топиш, эзгу мақсадларга сафарбар эта билиш лозим. Менда ҳеч қандай шубҳа йўқ: кўпни кўрган, ўта оғир ва мураккаб синовларда тобланиб, бу синовлардан шараф билан чиққан вилоят аҳли ўзига хос ва ўзига мос хусусият ва фазилатларига суяниб, бир ёқадан бош чиқариб, Сирдарёнинг шуҳрати ва обрў-эътиборини тиклаш борасида ўзини аямай меҳнат қилади.

# Қонун ижроси билан кучли

(Давоми. Боши 1-бетда).

йил ҳамда жорий йилнинг 8 ойи мобайнида ана шу тоифадаги 1000 дан зиёд шахс иш билан таъминланганлиги, 600 нафарига эса якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланиш имкониятлари яратилганлиги, шунингдек, вояга етмаганлар мактаблар ва касб-ҳунар коллежларига ўқишга жойлаштирилганлиги қайд этиб ўтилди.

Бироқ амалга оширилаётган ишларни етарли деб бўлмайди. Ушбу соҳадаги қонун талаблари айрим ҳокимликлар ва мутасадди идоралар томонидан тўла бажарилмаяпти. Бу борада жойлардаги ижтимоий кўникма марказлари, масъул идоралар ҳамда мансабдор шахсларнинг масъулиятини янада ошириш зарур.

Шундан сўнг йиғилишда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессияси муҳокамасига киритилаётган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари атрофлича муҳокама қилинди.

Йиғилишда қўмита ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Сессия кун тартибига киритилаётган ва қўмита йиғилишида муҳокама қилинган масалалар юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар эътиборга олиниб, қўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**Ўз мухбиримиз.**

# Тараққиётнинг ҳуқуқий асоси

Кеча Олий Мажлис қошидаги Амалдаги қонунлар мониторинги институтида «Конституция — давлатимиз тараққиётининг ҳуқуқий асоси» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Институт директори, Олий Мажлис депутати Ахтам Турсунов давра суҳбатини очар экан, Конституциямизнинг ҳаётимиздаги ўрни беқиёс катталигини алоҳида таъкидлади. Дарҳақиқат, мамлакатимиз Асосий қонунида турмушимиздаги ҳар бир ҳаракатдан тортиб, илм олиш, тан-сиҳатлиги, шунингдек, ўзаро муносабатлардаги ҳақ-ҳуқуқимиз, меҳнат қилишу дам олиш билан боғлиқ омилларгача тўла кафолатланган.

Давра суҳбатида сўз олганлар жамиятимиз асосий ҳуқуқий пойдевори бўлган Конституция нафақат мамлакатимизнинг ички, балки ташқи ҳаётида ҳам муҳим ҳуқуқий манба эканлигини эътироф этдилар. Шунингдек, у жамиятимизда янги қонунлар қабул қилиниши, амалдаги қонунларни эса такомиллаштиришда ҳам асосий омилдир. Давра суҳбати иштирокчилари мавзу доирасида, айниқса, Конституция ва инсон ҳуқуқи хусусида қизғин баҳс юритдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

*Мактаб — келажак остонаси. Бу даргоҳга бир бор бўлса-да, бош урган борки, унинг қалбида эл-юртга муҳаббат, эртанги кунга қайғуриш истаги туғилади. Зотан, айни шу маскан фарзанд таълим-тарбияси, онгу шуурига энг муқаддас, энг буюк, энг беғубор тушунчаларни муҳрлайди.*

# ЎЗБЕКНИНГ ЯНА БИР ҚАДРИЯТИ

*Ташаббус*

Албатта, илму маърифат ўчоғи бўлмиш таълим масканларининг миллат, она-Ватан равнақи, унинг порлоқ истиқболини яратишдаги ўрни беқиёс. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз раҳбари баркамол авлод тарбияси йўлида мактаб таълимини ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқда. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури»нинг муваффақиятли ҳаётга татбиқ этилаётганлиги фикримизнинг яққол далилидир. Бугун ҳар бир ватандошимиз — халқ, миллат, мактаб дарди билан яшай бошлади. Юзлаб ҳомийлар умуммиллий давлат дастури ижросини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Аслида, мактабга, илм-маърифатга эътиборнинг тарихи узоқ-узоқларга, дунё тамаддунига ўз ҳиссасини қўшган бобокалонларимизга бориб тақалади. Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги 40-мактаб (ҳозирги 328-мактаб)нинг илк пойдевори тарихан улуғ педагог Абдулла Авлоний томонидан қўйилган. Бобомизнинг таржимаи ҳолига бир назар ташласак, унда мазкур мактаб ҳақида қуйидаги маълумотни ўқиймиз: «... 1908 йилда (яна) Мирободда «усули жадид» мактаби очиб, муаллимлик қила бошладим. Шул замонда Тошкентда очилмиш 9-«усули жадид» мактабининг саккизига ҳукумат томонидан рухсат берилиб, менга рухсат олмоқ учун 3 йил овора бўлмоққа тўғри келди» деган сўзлари ушбу мактабнинг ташкил этилишига бағишланганлиги бугунги ўқувчини ўйлашга, фикрлашга, шу билан бирга фахрланишга ундаши табиий. А.Авлоний ҳовлисида очилган мактаб ўз фаолиятини дастлаб уч нафар ўқувчи билан бошлаган бўлиб, машғулотларни устознинг ўзлари олиб борган. Кейинчалик вақт ўтиши билан ўқувчилар сони кўпайиб, мактаб биноси ҳам кенгайиб борди.

Қанчадан-қанча фарзандлар бу таълим муассасасида тарбия топди. Уларнинг юртимиз тараққиётига қўшган ҳиссаси эса салмоқлидир. 40-мактаб ҳанузгача ўз номи, ўз мавқеига эга бўлиб келаётган илғор таълим даргоҳи ҳисобланади.

Мазкур мактабни битирган собиқ ўқувчиларнинг орадан роса 35 йил ўтиб, қадрдон маскан қучоғига чорлаган нарса ҳам унинг қайноқ тафти, ўша энг буюк ва беғубор туйғулар эканлиги шубҳасиздир. Собиқ битирувчиларда бу кун устозлари меҳнатига яна бир бор ўз миннатдорчиликлари, доимий қарздорликларини ўзига хос тарзда билдириш тилаги устун, албатта. Шу билан бирга айни дамда эл-юрт истиқболига камарбаста бўлаётган синфдош дўстлари билан ҳам дийдорлашиш ва шу билан бирга барча битирувчиларни қадрдон масканини янада гуллаб-яшнатишга чорлашдан иборатдир. Ўзбек халқининг тўйга тўёна билан бориш одати бор. Шу ўринда битирувчилар холисона туҳфа — мактабга ҳомий сифатида ўз ҳадяси билан келганлигини таъкидлаш жоиз. Кимдир битта синф компьютер мажмуасини келтирган, бир гуруҳ синфдошлар жами 11 та шахсий компьютер совға қилган, кимдир 2 миллион сўм ўтказиш учун мактаб ҳисоб рақамини сўраган, яна кимдир спорт майдончасини таъмирлаган, бошқаси эса кейинги ўқув йилида мактабнинг иситиш тизимини янгилаб бермоқчи...

Ушбу учрашувнинг яна бир чуқур маъноси, ибратли жиҳати борки, бу битирувчилардаги Ватан, мактаб, ўқитувчилар олдидаги қарздорлик ҳиссидир. Бу туйғу уларни бир мақсад — мактаб тараққийси, баркамол авлод келажаги учун фидойилик билан ҳисса қўшиш истаги йўлида бирлаштирди. Собиқ битирувчилардаги бу истак аслида мактабга тамал тошини қўйган Абдулла Авлонийдан мерос, десак муболаға бўлмайди. Зеро, айни қатағон, қаҳатчилик даврида мактаб очиб, эл фарзандини ўқитишга куч бағишлаган туйғу ҳам ана шу — қарздорлик ҳисси бўлган бўлса ажаб эмас.

Қолаверса, собиқ битирувчиларнинг мактабга ҳимммати, устозларига ҳурмати йиғилишда қатнашган ва айни кунда юқори синфда таҳсил олаётган ўқувчиларнинг ҳам қалбига яна бир эзгу туйғуни муҳрлади.

Собиқ битирувчилар ўзларининг бу ташаббусларини катта умид — «Ватан, мактаб, устоз — авлодлар ардоғида» шиори билан номлашди. Унинг кенг қанот ёйиши эса ҳар биримизнинг ақл-идрокимиз, виждонимиз, фарзандларимизга бўлган эътиборимизга боғлиқ. Бу, албатта, ҳар бир фуқаронинг ғурури, эртанги кунга ишончи, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлигига қўшадиган ҳиссасини англаб етишида амалга ошади.

Ўйлаймизки, кўтарилган бу ташаббус юртнинг ҳар бир фарзандини бефарқ қолдирмайди.

**Д. НАМОЗОВА.**

Спорт

*Кикбоксинг*

## Майдон эгалари ғолиб

Тошкентда катталар ўртасида кикбоксинг бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган 200 нафардан ортиқ спортчи ўн бир вазн тоифасида ўзаро баҳс юритди. Мусобақада умумжамоа ҳисобида пойтахтлик спортчилар биринчи ўринни қўлга киритдилар. Иккинчи ўрин Андижон, учинчи ўрин эса Самарқанд вилояти кикбоксингчиларига насиб этди.



*Андижон тумани "Шарқ юлдузи" ширкат хўжалиги ҳудудидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият бошлаганига ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ. Ўтган қисқа давр мобайнида мазкур спорт мактабидан кўплаб иқтидорли спортчилар етишиб чиқди. Яқинда пойтахтимизда самбо кураши бўйича ёшлар ўртасида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида шу мактаб тарбияланувчилари Гулзира Наримова ва Дилноза Қамбаровалар чемпионликни қўлга киритишди.*

**СУРАТДА: самбо кураши бўйича жаҳон чемпионлари Гулзира Наримова ва Дилноза Қамбаровалар акс эттирилган.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## «Шўртан» олий лигада, навбатдагиси ким?

Биринчи лига жамоалари ўртасида олий лигага йўлланмалар олиш учун финал беллашувлари бошланди. Унда биринчи босқич ғолиблари "Тўпаланг", "НБУ-Осиё", "Цементчи" ва "Шўртан" жамоалари иштирок этмоқда. Ўтказилган икки тур учрашувдан кейин олий лигага йўлланма олган биринчи жамоа номи аниқланди. "Тўпаланг"ни (2:1), "Цементчи"ни (2:0) ҳисобида мағлубиятга учратган Ғузорнинг "Шўртан" жамоаси олти очко жамғариб, ўз тарихида илк бор келаси мавсумни кучлилар сафида давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритди. Олий лигага бериладиган иккинчи йўлланма эгаси номи бугун бўлиб ўтадиган сўнгги учинчи тур учрашувларидан сўнг маълум бўлади.

**Иккинчи турдан кейинги вазият:**

| Т\р | *Жамоалар* | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | "Шўртан" | 2 | 2 | 0 | 0 | 4-1 | 6 |
| 2 | "Тўпаланг" | 2 | 1 | 0 | 1 | 5-3 | 3 |
| 3 | "Цементчи" | 2 | 0 | 1 | 1 | 1-3 | 1 |
| 4 | "НБУ-Осиё" | 2 | 0 | 1 | 1 | 2-5 | 1 |

**З. ЖОНИБЕКОВ.**

# ҚАЛАМ ҚАМЧИ БЎЛМАСИН

***Бир қадрдон дўстимиз, унинг оиласи билан Фарғонага кетаётган эдик. Ангрендан ўтдик. Довонга чиққанимизда қизчасининг мазаси қочди. Аввалига буни тоғ ҳавосидан дедик. Қизалоқни ўзимизча даволаб кўрдик. Бўлмади. Унинг аҳволи оғирлашиб борарди. Изимизга қайтдик. Тўғри Ангрен шаҳар болалар касалхонасига кириб бордик. Бу ердагилар бизнинг кимлигимизни ҳам, қаёқдан келганимизни ҳам сўрашмади, қизалоқнинг аҳволини кўриб дарҳол муолажага киришиб кетишди. Она-болани қабулхонада қолдириб, дўстим икковимиз ташқари чиқдик. Кенг, саранжом, саришта ҳовлини айландик. Йўлкалар текис асфальт қилинган, дарвоза шарқона услубда янгидан қурилибди, кираверишда она-бола ҳайкали, икки тараф гулзор, боғ этагига етгунча одам бўйи арча экилган. Хуллас, дилгир кўнглингизни жиндай овлайдиган хуш манзара.***

Икки соатлардан кейин қизалоқ анча ўзига келди. Холис хизматлари учун врачларга миннатдорчилик билдиргани қабулхонага кирдик. Ўша ерда касалхона бош шифокори Гулсара Эрбўтаева билан танишиб қолдик. Кўринишидан ҳали қирқ ёшни ҳам қораламагандек, қадди расо, сочлари калта қирқилган ҳаракатчан аёл. Сўзамол, гапига мақолу матал қўшиб, жиндай ҳазил аралаштириб гапирар экан. Бунақа раҳбар хонимлар гапингизни тинглашни ҳам, ўз ваъзини тинглатишни ҳам хўб билади.

— Тақдир экан, 23 йилдан бери шу ерда яшаяпмиз, институтни битирганимга йигирма йил бўлди, — дейди у, — ангренлик бўлиб кетдик.

— Ўзингиз самарқандлик экансиз, нега Тошкентнинг бир чеккасида «адашиб» юрибсиз?

Гулсара кулди.

— Игна қаерда бўлса, ип ҳам ўша ерда, деган гапни эшитгансиз. Синфдошимга турмушга чиққанман. Собир ака политехни (политехника институтини демоқчи — С.С.) битириб, шу ерга кўмир конига ишга келдилар. Мен мединститутга кечроқ кирувдим, боламни етаклаб ўқидим. Ҳечам адашганим йўқ. Ангрен яхши шаҳар экан. Бу ёғи тоғ ҳавоси, бу ёғи дала-дашт. Гўзал водий билан Тошкентни боғлайдиган катта йўл бўйидамиз. Шаҳарни севиб қолдим. Ахир тўрт фарзандим шу ерда дунёга келди. Сардор билан Шаҳло Тошкентда, мединститутда ўқишади. Улар онасининг — Гулсара дўхтирнинг изидан боришмоқчи бўлишди. Лайло билан Иброҳим ёнимда, менга кўмакчи. Ишқилиб, эл-юртдан дуо олсак бўлди, деб юрибмиз-да.

Гулсаранинг бош врач этиб тайинланганига беш йил бўлди. Фарзандларини, невараларини муттасил даволатиб юрган ота-оналарнинг гапига қараганда, касалхона илгари ҳароб аҳволда экан. Уч қаватли бинонинг томидан сув ўтар, палаталар совуқ, ҳатто биринчи ёрдам учун ҳам дори-дармон етишмас эди. Ҳовли билан боғни-ку, айтмаса ҳам бўларди. Эгаси кўчиб кетган кишининг уйини эслатарди. Гулсара ички имкониятлардан келиб чиқиб, иш бошлади. Аввало, ёнида уни қўллаб турган жамоасига суянди. Касалхонага қарашли тўртта поликлиникани ҳам қўшиб ҳисобланса, қирқдан зиёд врач, олти юзга яқин ҳамшираю хизматчи бор. Озми бу? Ҳеч ким қараб тургани йўқ. Биров эски тўшакларни сўкиб пахтасини титади, биров кирхонани оқлайди, биров электрик қўшниси билан шифтдаги плафонларни янгилайди, яна кимдир эски мебелларни таъмирлайди.

— Яшириб нима қиламан, — дейди Гулсара, — ҳозир мадад сўраб, эшикма-эшик юрадиган замон эмас. Ўз бошимизни ўзимиз қашлашимиз керак. Ҳомийлар барака топишсин. Кўмагини аяшмади. Бунинг ажабланарли ери йўқ. Халқимиз болажон халқ. Қолаверса — болалар шифохонаси. Бизга ҳиммат қилганлар, оқибатда ўзининг жигарига қайишган бўлади. Ана, қабулхона йўлагини ҳам беғараз асфальтлаб беришди. Дўхтирларга ҳадеб пул тўпланглар, деёлмайман-ку? Энди, Эрбўтаева қадамини қийшиқ босса, бир мириқиб ёзардик, деб пойлаб ўтирганлар ҳам йўқ эмас.

Гулсара кейинги икки йил ичида бошига тушган савдоларни куйиб-пишиб гапириб берди. Бу аёлнинг гапларига қулоқ тутсангиз, баъзи бировлар учун буйруқ бериш ҳам, ўша буйруқни дарҳол бекор қилиш ҳам анчайин ўйинчоққа айланиб қолибди-да, деган хаёлга борасиз. 2003 йил 17 февралда Ангрен шаҳар марказий касалхонаси бош врачининг буйруғи билан Г. Эрбўтаева ўз вазифасидан озод этилади. Бир ой ўтар-ўтмас, 2003 йил 13 март куни Г. Эрбўтаева лавозимига қайта тикланади. Аммо... тўрт ой ўтгандан кейин Г. Эрбўтаевани яна ишдан бўшатадилар ва икки ойдан сўнг — бу сафар Оҳангарон туманлараро фуқаролик судининг

*Ажаб савдолар*

қарори билан ўз вазифасига тиклайдилар!

Воқеа асли бундай. Оҳангаронда Мўмин Қаюм деган қаламкаш яшайди. У мақолалар ёзиб, адолат учун курашган бўлади. Адолат учун курашган яхши, аммо ният эзгу, қалам эса ростгўй бўлиши керак. Ана шу ерда Мўмин Қаюм андак янглишади. Бу сафар ҳам у «Халқ сўзи» газетасига танқидий мақола жўнатдию, бармоғини тишламади. Г. Эрбўтаеванинг шифохонасида текшир-текшир бошланди. Шаҳардан, тумандан, вилоятдан, вазирликдан комиссия устига комиссия босди шифохонани. Шикоятчининг ёзишича, шаҳар касалхонасида бемор болаларга ўз вақтида ёрдам берилмас эмиш. Ота-оналар фарзандларини даволатиш эвазига бош врачга икки банкадан бўёқ элтиб берар, Г. Эрбўтаева кўнглига ёқмаган ходимни бўшатиб юборар, шифохона боғидаги 64 туп терак қирқилиб, сотиб юборилган эмиш ва ҳоказо.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2004 йил 17 февралдаги фармойишига биноан Г. Авраменко, Х. Шарипов, У. Тилавов (учаласи Тошкент педиатрия институтининг масъул ходимлари) Ангренга бориб, таҳририятга йўлланган мақолада келтирилган фактларни синчиклаб текширишади. Бу комиссия хулосаси асосида Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш Бош бошқармаси раҳбари Н. Туреева «Халқ сўзи»га жавоб хати йўллайди. Хатда таъкидланишича, Ф. Турсунматова ва У. Каримовга ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилган. Ота-оналарнинг даъвоси йўқ. Бемор болаларнинг ота-оналари бош врачга икки банкадан бўёқ келтириб берармиш, деган миш-миш ҳам тасдиғини топмади. Илгари шифохонадан бўшаб кетган тиббий ходимлар, асосан бошқа ерга кўчганликлари туфайли ёхуд ихтиёран вазифаларини тарк этганлар. Боғдаги 64 туп теракнинг қирқилганлиги ҳам ёлғон экан. Аслида тўрт туп чириган терак қирқилиб, ундан одамлар дам оладиган курсилар ясалган. Барибир, экологик тартибни бузганликлари учун К. Шоймардонов билан Ҳ. Бобораҳимовга чора кўрилган. Улардан давлат фойдасига 3500 сўм жарима ундирилган.

Хат сўнгида Н. Туреева шундай ёзади: «Шифохона ҳудуди тоза, шинам. Бўлимлар яқинда таъмирдан чиққан, хоналар иссиқ, тез ёрдам учун дори-дармонлар етарли. Ходимлар маошларини ўз вақтида олиб турибди... Хулоса қилиб айтганда, Мўмин Қаюм хатида баён қилинган фактлар тасдиқланмади».

Бундай жавоб даъвогарга ёқмаслиги табиий эди. Мўмин Қаюм текширув натижаларидан норози бўлиб Соғлиқни сақлаш вазирлигига хат ёзди. Вазирлик янгитдан комиссия тузишга мажбур бўлди. Энди унга вазирликнинг болалар бош жарроҳи, профессор Н. Эргашев раис бўлди. Вазирликнинг етакчи мутахассисларидан иборат бу комиссия Ангренга бориб, шаҳар болалар касалхонасини ипидан-игнасигача ўрганди, меҳнат жамоаси билан учрашди, ота-оналар ила суҳбатлашди. Комиссия аъзолари аввалги текширувчиларнинг хулосасини тасдиқлади, шу билан баробар Г. Эрбўтаева иш жараёнида йўл қўйган айрим камчилик ва хатоларни ҳам аниқлади. Бу хатолар учун бош врач ўз вақтида маъмурий жазо олган эди, шу боис бунга алоҳида урғу берилмади.

Комиссиянинг ҳисоботидаги икки нуқтага эътиборингизни қаратмоқчи эдик. Биринчиси, комиссия бош врач Г. Эрбўтаеванинг меҳнат жамоаси олдида яхши обрўга эга эканлигига гувоҳ бўлди. Иккинчидан, Мўмин Қаюм «Моҳият» газетасида «Икки банка бўёқ» деган мақола ёзиб, Г. Эрбўтаевага туҳмат қилибди. Тошкент шаҳар Миробод туманлараро фуқаролик судининг қарорига кўра «Моҳият» газетаси 500 минг сўм, Мўмин Қаюм 500 минг сўм жарима тўлашлари лозим экан...

Суҳбат мавзусини ёқимлироқ тарафга буриш учун сўрадик:

— Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, дейдилар. Сиз ёлғиз бўлмасангиз керак, Гулсарахон? Дўст бўлсанг, ёнимда тур, дейдиган суянчиқларингиз кимлар?

— Яхши одамларнинг исмини айтишдан ҳам мароқли нарса борми дунёда? Бажонидил! Улар: 1956 йилдан врач бўлиб ишлаётган Муҳаббат опа Эшмуродова, поликлиникалар бўйича масъул Саодат Хонбобоева, бўлим мудири Эргаш Дўстматов, хўжалик сардори Ҳусан Бобораҳимов, жамики ҳамшираларнинг каттаси Анна Борушко... Э, айтаверсам, дафтарингиз тўлиб кетади. Иморатни битта устун ушлаб турмайди, унинг ён-верига тиргаклар ҳам керак. Ҳали айтганларим, исмларини айтолмай қолганларим — бари менинг тиргакларим.

— Боя бир палатадаги келин Наманган чегарасидан келганини айтди...

— Шаҳарда 160 минг киши яшайди, — деди Гулсара, — шундан 45 минг болага биз хизмат қиламиз. Бироқ Ангрен атрофидаги қишлоқлардан ҳам бемор болаларни олиб келишади. Ҳув довондаги Серкақирилди, Тангатопди деган ерлардан, бу ёғи Олмалиқ чегарасидан ҳам келиб туришади. Биз, сизлар фалон ердан экансизлар, ўзларингга боринглар, демаймиз. Агарда учинчи қаватни ҳам таъмирлаб, ишга туширсак, уч юзгача болани қабул қилишимиз мумкин. Бугунча бунинг иложи йўқ, 100-120 атрофида болаларни даволаб турибмиз.

Дўстимнинг қизи росмана ўзига келди. Ҳатто гулзор ёнига бориб капалак қувишга тушди. Энди йўлга чиқсак ҳам бўларди. Гулсара билан хайрлашдик...

Биз бу аёлни фаришта қилиб кўрсатмоқчи эмасмиз. Беайб парвардигор дейдилар. Бош шифокор сифатида Г. Эрбўтаевадан айрим хато ва камчиликлар ўтган бўлиши мумкин. Аммо бу камчиликларни дастак қилиб йигирма йилдан бери болалар соғлиғи учун хизмат қилаётган бир шифокорнинг шаънига туҳмат ёғдириш инсофдан бўлмаса керак. Хуллас, эзгулик ва ибрат учун яратилган қаламни қамчига айлантирмаганимиз маъқул эмасми?

**Саъдулла СИЁЕВ.**




**Давлат ташкилотлари ва ишбилармон давралар вакиллари диққатига!**

**2004 йил 4 дан 8 декабргача**

**«Ўзэкспомарказ» РКСМда «Эрон Ислом Республикасининг тайёр маҳсулотлар, кичик ва хусусий бизнес технологиялари» иккинчи ихтисослашган кўргазмаси ўтказилади.**

**Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Амир Темур к., 107.**

Pars Rastak — Ministry of commerce Semnan commerce organizer — Uzbekistan Exhibition Centre

**ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!**

*Барча қурилиш ташкилотлари диққатига!*

**«Ўздаварх итектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш**

**Сирдарё вилоят ҳудудий консалтинг маркази**

**2004-2005 йил манзил дастурлари бўйича қуйидаги объектларнинг қурилиши учун танлов савдолари эълон қилади:**

1. Гулистон шаҳрида ётоқхона биносини вилоят ва шаҳар архивлари учун мослаштириб қайта қуриш.

*Буюртмачи: Сирдарё вилоят ҳокимлиги архив ишлари бошқармаси.*
*Манзил: Гулистон шаҳри, Сайхун кўча, 1, телефон: (8-3672) 25-10-71.*
*Объектнинг бошланғич нархи — 170839,066 минг сўм.*
*Қуриш муддати — 3 ой.*

1. Сирдарё тумани, «Ўзбекистон» ш/х Навоий бўлимида ҚВП қурилиши.
2. Сайхунобод тумани «Гулистон» ш/х 5-бўлимида ҚВП қурилиши.
3. Оқолтин тумани, Фарғона ДФХда ҚВП учун бор бўлган бинони мослаштириб қайта қуриш.
4. Боёвут тумани У.Юсупов номли ш/хда ҚВП учун бор бўлган бинони мослаштириб қайта қуриш.
5. Мирзаобод тумани, «Наврўз» қўрғонида ҚВП учун бор бўлган бинони мослаштириб қайта қуриш.
6. Ховос тумани, А.Темур номли ш/хда ҚВП учун бор бўлган бинони мослаштириб қайта қуриш.

*Буюртмачи — Сирдарё вилояти ҳокимлиги ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси.*
*Манзил: Гулистон шаҳри, Ахтамова кўчаси, 30-уй. Телефон:(8-3672) 27-63-85.*
*Барча объектлар давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади.*

Танлов савдоларида иштирок этиш истагини билдирган қурилиш ташкилотлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: *ҳисоб рақамларида ёки захирада қурилиш материаллари объект қийматининг камида 20 % айланма маблағи бўлиши, бундай маблағ бўлмаган ҳолатда ана шу миқдорда банк кредит бериши мумкинлиги ҳақида кафолатномаси мавжудлиги, объектда ишларни бажариш учун зарур бўлган сертификат меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, ўхшаш объектлар қуриш бўйича тажрибага эга бўлишлиги, шартнома тузиш ҳуқуқига эгалиги.*

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сирдарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига сўровнома билан эълон чоп этилгандан сўнг 30 кун давомида қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

**Гулистон шаҳри, Ахтамова кўчаси, 30-уй.**
**Тел./факс: (8 3672) 27-64-84.**

**Танлов ҳужжатларининг бир тўплам нархи — 60000 сўм.**

*Офертaлар юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади ва уларни тақдим этишнинг охирги муддати — танлов комиссиясининг шу объектлар бўйича йиғилиш ўтказадиган куни ва соати.*


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши Ўзбекистон қонунчилик органининг меҳнат фахрийси
**Ҳакима Мўминовна ПЎЛАТОВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси уюшма аъзоси, «Қишлоқ ҳаёти» газетаси бош муҳаррири Ўткир Раҳматга волидаи муҳтарамаси
**ПЎЛАТ аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон телерадиокомпанияси жамоаси «Қишлоқ ҳаёти» газетаси бош муҳаррири Ўткир Раҳматга волидаи муҳтарамаси
**ПЎЛАТ аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Тафаккур» журнали жамоаси «Қишлоқ ҳаёти» газетасининг бош муҳаррири Ўткир Раҳматга онаси
**ПЎЛАТ аянинг**
вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий китоб палатаси жамоаси бош муҳосиб Умида Пайзиевага акаси
**ҲАМДАМБЕКнинг**
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

«Ўздавэнергоназорат» жамоаси инспекциянинг Қашқадарё бўлими бошлиғи З. Р. Болтаевга отаси
**РАШИД аканинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«O'ZKABEL» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоаси ташқи иқтисодий алоқалар ва маркетинг бўлими бошлиғи Бобур Бекназовга амакиси
**Рустам БЕКНАЗОВ ва укаси Анвар БЕКНАЗОВларнинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Жиззах политехника институти жамоаси Бино ва иншоотлар қурилиши кафедрасининг профессори
**Тойир Маҳмудович МУҚУМОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ**

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г —968. 22129 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тогаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
Т-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Каримов.
Навбатчи — Х. Эшманов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 22.50 23456